Наврўзни улуғлаш – инсонни улуғлашдир!

# ADOLAT

№ 11 (1579)
2026-YIL
20-MART, JUMA

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

https:// adolat24.uz/  t.me/Gazeta_Adolat




# Гўзаллик, ободлик, яратувчилик айёми

*Яна баҳор келди. Яна оламда*
*Ажиб бир гўзаллик, ажиб бир баёт.*
*Мен сени қутлайман шу улуғ дамда,*
*Улуғ елкадошим, музаффар ҳаёт!*
*Ташбиҳ ахтармангиз ушбу ғазалдан,*
*Нақд жойда насия не керак асли.*
*Аён бир хислатинг бордир азалдан.*
*Сени атамишлар уйғониш фасли!*
*Еллар ҳам уйғонди ишқалаб кафтин,*
*Офтоб ҳам юксалди — тик келар қуёш.*
*Тоғлар ҳам юк ташлаб кўтарди кифтин,*
*Безавол майса ҳам силкитади бош...*
*Ҳовлиқма жилғалар чопар беэга,*
*Қушлар қий-чувига тўлмиш дала, боғ.*
*Сенинг висолингдан қувонмай нега,*
*Баҳор, соғинтирдинг ахир кўп узоқ!*

**Атоқли шоир эътироф этганидек, барча инсонларни соғинтирган, табиатни уйғотадиган, ҳаётни янгилайдиган, борлиқни ўзгартирадиган фаслларнинг кўрками ва эркаси баҳор замину замонда ана шундай бошланади. Бу фаслда нафақат дов-дарахтлар, майсалар, ўсимликлар юз очади, яшилликка бурканади. Баҳор шу тариқа табиатни, борлиқни уйғотади. Табиатдаги, борлиқдаги уйғониш эса жамиятдаги, башарият ҳаётидаги уйғонишни бошлаб беради.**

5

Муносабат

# АФВ — адолат ва инсонпарварликнинг юксак ифодаси


Робахон МАХМУДОВА,
Ўзбекистон "Адолат" СДП
Сиёсий Кенгаши раиси,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги партия
фракцияси раҳбари


Табиатнинг қайта жонланишини англатувчи Наврўз ва руҳий покланиш тимсоли бўлмиш муборак Рамазон ҳайити арафасида давлатимиз раҳбари томонидан навбатдаги меҳр-мурувват ва инсонпарварлик қадами ташланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида"ги фармони имзолангани халқимизга хос кечиримлилик, меҳр-оқибат ва бағрикенглик фазилатларининг яна бир амалий ифодаси бўлди. Мазкур ҳужжат замирида давлатимизнинг инсон қадрига бўлган чексиз ҳурмати, демократик қадриятларга содиқлиги ва "Инсон қадри учун" тамойилининг ҳаётий ифодаси мужассам.

2

Раҳбар ва ёшлар



# КЕЛАЖАК ЭГАЛАРИ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ: партия ёшларни юксак марралар сари чорламоқда

2

ДИҚҚАТ, ЯНГИ РУКН:



# ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ҲАҚИДА ГАПЛАШАМИЗ

...Биргина 2025 йилнинг ўзида ҳайдовчилар томонидан 24 миллионга яқин қоидабузарлик содир этилган. Энг ачинарлиси, сўнгги икки йилда йўл-транспорт ҳодисалари оқибатида 3 651 нафар инсон ҳаётдан кўз юмган. Бу шунчаки рақам эмас, бу – минглаб оилалар бошига тушган фожиа, мусибат. Шу сабабли биз ўзимиз тайёрлаган қонун лойиҳасида жазо тизимидаги номутаносибликларни бартараф этиш ва қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган нормаларни таклиф этаяпмиз.

...Буюк Британия ва Канадада маст ҳолатда автоҳалокат содир этиб, одам ўлимига сабаб бўлган ҳайдовчи умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилиниши мумкин. Японияда бундай қилмиш учун 20 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган.

**Мавзу юзасидан Қонунчилик палатасидаги "Адолат" СДП фракцияси аъзоси Зуҳриддин МАВЛОНОВ билан суҳбатни**

**КЕЛГУСИ СОНДА КУТИНГ!**



# КЕЛАЖАК ЭГАЛАРИ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ: партия ёшларни юксак марралар сари чорламоқда

1 Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон "Адолат" СДП ташаббуси билан "Раҳбар ва ёшлар" мавзусида учрашув ташкил этилди.

Мазкур тадбир давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ҳар ҳафтанинг пайшанба куни "Ёшлар куни" сифатида белгилангани муносабати билан ўтказилиб, навқирон авлод вакиллари билан очиқ, самарали ҳамда тизимли мулоқотнинг амалий ифодасига айланди.

Тадбирдан кўзланган асосий мақсад ёшларнинг фикр-мулоҳазалари ва эҳтиёжларини бевосита эшитиш, уларни қийнаётган муаммоларга ечим топишда кўмаклашиш, шунингдек, жамият тараққиётидаги ўрни ва фаоллигини янада мустаҳкамлашдан иборат бўлди.

Таъкидланганидек, бундай учрашувлар ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган эзгу анъана сифатида изчил давом эттирилади.

Учрашувда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати масъул ходимлари, Тошкент давлат аграр университети профессор-ўқитувчилари ва талабалари, партия фаоллари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Тадбирнинг дастлабки қисмида Тошкент давлат аграр университети талабалари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолияти, унинг ташкилий тузилмалари билан яқиндан таништирилди. Шунингдек, талабалар Қонунчилик палатаси кутубхонаси, музейи ва ялпи мажлислар залида бўлиб, мамлакатимиз қонунчилик тизими фаолияти билан амалий жиҳатдан танишиш имконига эга бўлдилар. Бу эса ёшларда парламент фаолиятига доир тасаввурларни янада бойитишга хизмат қилди.

Шундан сўнг Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси раҳбари Робахон Махмудова иштирокида очиқ мулоқот бўлиб ўтди. Мулоқотда партия раҳбари "Адолат" партияси ёшлар сиёсатига алоҳида эътибор қаратаётганини, ёшларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштироки мамлакат тараққиётининг муҳим омили эканини таъкидлади. Шу билан бирга, у ёшларни ўз ҳуқуқ ва имкониятларидан самарали фойдаланишга, фаол фуқаролик позициясини шакллантиришга чақирди.

Тадбирда Тошкент давлат аграр университетининг ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректори Жасур Лапасов ҳам сўзга чиқиб, олийгоҳда ёшлар билан олиб борилаётган маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар, талабаларнинг илмий ҳамда ижтимоий фаоллигини оширишга қаратилган лойиҳалар ҳақида атрофлича маълумот берди. У, шунингдек, олий таълим муассасалари билан сиёсий партиялар ўртасидаги ҳамкорлик ёшлар тарбияси ва уларнинг ижтимоий фаоллигини кучайтиришда муҳим аҳамиятга эга эканини алоҳида қайд этди.

Учрашувда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон "Адолат" СДП "Ёшлар қаноти" раиси Беҳзод Тўхтамуродов ҳам маъруза қилди. У партия "Ёшлар қаноти" томонидан амалга оширилаётган ташаббуслар, ёш авлоднинг қонунчилик жараёнларидаги иштироки, ёшларга оид давлат дастурларининг амалий натижалари хусусида батафсил тўхталди. Ёш депутат ўз чиқишида ёшларни партия сафида фаол бўлишга, ижтимоий-сиёсий ҳаётда муносиб ўрин эгаллашга чақирди.

Учрашувнинг савол-жавоб ва фикр алмашув қисми айниқса қизғин руҳда кечди. Талаба-ёшлар ўзларини қизиқтирган қатор масалалар юзасидан партия вакилларига мурожаат қилдилар. Хусусан, таълим сифати, ёшлар бандлиги, тадбиркорлик имкониятлари, ҳуқуқий саводхонлик каби долзарб мавзулар атрофлича муҳокама қилинди. Иштирокчиларнинг ҳар бир саволига батафсил ва асосли жавоблар берилди, амалий таклиф ва ташаббуслар илгари сурилди.

Учрашувда таъкидланганидек, бундай учрашувлар ёшларнинг давлат бошқаруви, парламент фаолияти ва қонунчилик жараёнлари ҳақидаги билим ҳамда тасаввурларини кенгайтиради, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини рағбатлантиради.

Шу боис "Адолат" СДП бундан буён ҳам ёшлар билан тизимли мулоқотни давом эттириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги иштирокини кенгайтириш, ташаббус ва интилишларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни янада кучайтиришга қатъий бел боғлагани таъкидланди. Зеро, "Раҳбар ва ёшлар" учрашуви навқирон авлоднинг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрнини мустаҳкамлаш, уларнинг овозини эшитиш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган муҳим мулоқот майдони сифатида яна бир бор ўз аҳамиятини намоён этди.

**"Адолат" СДП Матбуот хизмати**

# АФВ – адолат ва инсонпарварликнинг юксак ифодаси

1 фармонга мувофиқ, жами 392 нафар шахс афв этилди. Уларнинг 223 нафари асосий жазодан тўлиқ озод қилинган бўлса, 82 нафари муддатидан илгари шартли озод этилди. Шунингдек, 34 нафар шахснинг жазоси енгилроғи билан алмаштирилди, 53 нафарининг эса жазо муддатлари қисқартирилди. Бу рақамлар шунчаки статистика эмас, балки юзлаб оилалар қалбидаги умид ва юзлаб инсонлар учун ўз тақдирини эзгулик томон буриш имкониятидир.

Афв этилганлар орасида 26 нафар аёлнинг борлиги алоҳида аҳамиятга эга. Бу – оила чироғи бўлган аёлларнинг ўз хонадонига қайтиши, фарзандларнинг она меҳридан баҳраманд бўлиши демакдир. 14 нафар кекса ёшдаги отахонларнинг афв этилиши эса халқимизнинг катталарга ҳурмат ва меҳр-оқибат каби азалий қадриятларини намоён этади. Айниқса, афв этилганлар орасида 166 нафар ёшнинг борлиги диққатга сазовор. Адашган йигит-қизларга берилган иккинчи имконият – уларнинг келажагини қуриш учун очилган янги эшикдир. Бу давлатимиз ёшлар сиёсатининг нечоғлик ҳаётий ва инсонпарвар эканидан далолат беради.

Афв этилганлар ичида тақиқланган ташкилотлар фаолиятида қатнашган 24 нафар шахснинг борлиги давлатимиз бағрикенглигининг юксак намунасидир. Янги Ўзбекистонда қилмишига пушаймон бўлиб, тўғри йўлга ўтган ҳар бир инсонга имкон бериш – давлат сиёсатининг муҳим устунидир. Зеро, ҳақиқий адолат фақат жазолашдан эмас, балки хатосини англаган инсонни жамиятга қайтариш ва унинг оилавий бағрибутунлигини таъминлашдан иборатдир.

Фармонда афв этилган шахсларни ижтимоий ҳаётга мослаштириш, уларни фойдали меҳнат билан банд қилиш ва соғлом турмуш тарзига қайтариш бўйича масъул идораларга аниқ вазифалар юклатилган. Зотан, инсонни афв этишнинг ўзи етарли эмас, унинг келажакка ишончи ва муносиб ҳаёт кечириши учун зарур шароит яратиш ҳам ғоят муҳимдир.

Афв этилган шахсларнинг касб-ҳунар эгаллаши ва бандлик билан таъминланишида маҳалла фаоллари ҳамда ҳудудий партия ташкилотларимизнинг амалий кўмаги зарур бўлади. Хусусан, бандлик дастурларини ташкил этиш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва психологик мадад бериш ишларида фаол иштирок этадилар.

Бугун Янги Ўзбекистон ислоҳотлари марказида инсон қадри, унинг ҳуқуқ ва манфаатлари турибди. Мазкур фармон ана шу эзгу тамойилларнинг амалий ифодаси бўлди. Ишонамизки, афв этилган фуқаролар ўзларига билдирилган ишончни оқлаб, Ватан равнақи йўлида ҳалол меҳнат қиладилар.

Давра суҳбати

# МАҲАЛЛА ИНСТИТУТИНИНГ ЖАМИЯТДАГИ РОЛИНИ МУСТАҲКАМЛАШДА ПАРЛАМЕНТНИНГ ЎРНИ





**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги "Адолат" СДП фракцияси Демократик институтлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш масалалари қўмитаси билан ҳамкорликда "22 март — Маҳалла тизими ходимлари куни" муносабати билан "Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини мустаҳкамлашда парламентнинг ўрни" мавзусида давра суҳбати ўтказди.**

Видеоконференц алоқа шаклида ўтган тадбирда депутатлар, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ва унинг ҳудудий раҳбарлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, маҳалла институтини аҳолига энг яқин ва халқчил тузилмага айлантириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантиришга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Тадбирда партия етакчиси, Қуйи палатадаги "Адолат" СДП фракцияси раҳбари Робахон Махмудова сўзга чиқди.

– *Биз маҳалла деганда миллий давлатчилигимиз таянчи, халқимизнинг асрий қадриятлари ва аҳиллиги мужассам бўлган муқаддас масканни тушунамиз. Шарқ фалсафасида ҳам бу тузилма доимий равишда давлат ичидаги кичик давлат вазифасини ўтаган. Абу Наср Форобийнинг "Фозил одамлар шаҳри" асарида келтирилган жамиятни бошқариш борасидаги ўгитлари ёки жадид боболаримизнинг миллий ўзликни асраш йўлидаги саъй-ҳаракатлари замирида ҳам айнан маҳалланинг қудратли бошқарув кучи ётганини яхши биламиз. Бугун Янги Ўзбекистонда маҳалла институтига нисбатан қарашлар тубдан ўзгарди. У энди шунчаки жамоатчилик тузилмаси эмас, балки самарали бошқарув моделидир,* – дея таъкидлади партия Сиёсий Кенгаши раиси.

Президент раҳбарлигида соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида маҳалла ҳаётимизга дахлдор бўлган барча масалаларни ҳал этишда халқ ва давлатни бир-бирига яқинлаштириб, муносабатларни тартибга солувчи муҳим тузилмага айланмоқда. Хусусан, ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни жойида ҳал этиш мақсадида маҳаллалар ваколатлари кенгайтирилиб, уларнинг молиявий мустақиллиги кучайтирилди.

Маҳалла институтини ислоҳ қилиш ва уни халқ ҳаётига яқин, самарали тизимга айлантириш бўйича муайян ишлар амалга оширилди. Маҳалла раисларининг ваколат муддати 3 йилдан 5 йилга узайтирилиб, "еттилик" вертикал тизими яратилди. Бугун ҳамма соҳа ва йўналишлар бўйича "маҳалла еттилиги" тизими самарали фаолият олиб бораётгани натижасида кўплаб масалалар ортиқча қоғозбозликсиз, югур-югурларсиз маҳалланинг ўзида ҳал бўлмоқда.

"Маҳалла еттилиги" ҳамкорлигида амалга оширилган ишлар туфайли маҳаллаларни ишсизлик, жиноятчилик ва оилавий ажримдан ҳоли ҳудудга айлантиришга доир таъсирли чора-тадбирлар амалга оширилди. Бу орқали 5,2 миллион нафар аҳоли даромадли меҳнатга жалб қилиниб, 2 090 та маҳалла ишсизликдан ҳоли ҳудудга айланди. Ижтимоий шартнома асосида кўмак кўрсатиш орқали 311 мингта оила камбағалликдан чиқарилди.

Шунингдек, аҳоли томорқасида етиштириладиган мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти бўйича 8 272 та маҳаллада йил бошида режа қилиниб, экспорт 487,0 миллион долларга етказилди. Камбағал оилалар томорқасига 116 минг 233 туп лимон, кўча бўйларидаги хонадонга 1 миллион 902 минг туп, аҳоли томорқаси атрофига 3 миллион 450 минг туп узум кўчатлари экилди.

"Маҳалла бюджети" тизими орқали маҳаллаларга 577,9 миллиард сўм маблағ туширилиб, ҳар бир маҳаллада "еттилик" коллегиал қарори асосида бу маблағлар мақсадли ва манзилли сарфланди. Жумладан, маҳалла инфратузилмасини яхшилашга сарфланган 145,1 миллиард сўм маблағ эвазига 1 626 та маҳаллада ички йўллар таъмирланиб, энергия тежамкор ёритиш чироғлари ва трансформаторлар ўрнатилди. 2 876 та маҳаллада электр тармоғи янгиланган бўлса, 1 384 тасида ичимлик сув тармоғи таъмирланиб, 6 489 та спорт майдончаси барпо этилди.

Бундан ташқари, аҳолини соғлом турмуш тарзига жалб қилиш бўйича 624 километр "Саломатлик йўлаги" барпо этилди. Маҳалланинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга 153,5 миллиард сўм маблағ сарфланиб, 284 та маҳалла биноси қурилди, 2 205 таси эса таъмирланди. "Муҳтож оилага субсидия бериш" модули орқали "еттилик"нинг қарори асосида 671 нафар уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож бўлган шахсларга 120 миллион сўмгача бўлган жами 84 миллиард 213 миллион сўмлик ипотека кредитлари ажратилган.

– *Юрт ободлиги, энг аввало, маҳалладан бошланади,* – деди қўмита раиси ўринбосари Абдулло Аслонов. – *Шу боис сўнгги йилларда маҳалланинг жамият бошқарувидаги ўрни ва ролини оширишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилиб, соҳа ривожига доир юзга яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Янги таҳрирдаги Конституциямизда ҳам маҳалла институти мақоми мустаҳкамланди. Бугун маҳаллаларда юз бераётган ўзгаришлар одамларнинг ҳаётга интилишини оширмоқда. Халқимиз турмуш даражаси бутунлай ўзгариб, ислоҳотлар самарасини ҳар бир инсон ўз кундалик ҳаётида ҳис қиляпти, сезяпти.*

Давра суҳбатида сўз олганлар кейинги йилларда маҳалла институтини такомиллаштириш давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бирига айланганини, жорий йилни "Маҳаллаларни ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили" деб эълон қилиниши нафақат маҳалла инфратузилмасини яхшилаш, балки Янги Ўзбекистон ислоҳотларининг ҳар бир маҳаллага, ҳар бир хонадонга, ҳар бир инсон ҳаётига кириб боришига хизмат қилишини қайд этдилар.

Тадбирда депутатлар томонидан соҳа истиқболига қаратилган бир қатор таклифлар берилди.

**"Адолат" СДП Матбуот хизмати**

## Фракция йиғилиши

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги "Адолат" СДП фракцияси йиғилишида Президентимиз раислигида аҳоли мурожаатлари билан ишлаш тизимини такомиллаштиришга бағишлаб ўтказилган видеоселекторда илгари сурилган ташаббусларнинг аҳамияти ҳақида сўз юритилди.**

# КРЕАТИВ ИҚТИСОДИЁТ субъектлари қўллаб-қувватланади



Депутатлар аҳоли мурожаатлари билан ишлаш тизимини янги даражага кўтариш ва жамоатчилик фикрини чуқур таҳлил қилишга бағишланган ушбу йиғилиш юртимиздаги демократик қадриятларни янада чуқурлаштириш, пировардида халқ билдирган ишончни оқлаш масъулиятини кучайтириши билан аҳамиятли эканлигини қайд этдилар.

Фракция аъзолари, айниқса, алимент тўловчиларни касбга ўқитиш ва бандлигини таъминлаш орқали мурожаатларни икки бараварга камайтириш, туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома олиш каби энг зарур ҳужжатларни расмийлаштиришни соддалаштириш бўйича белгилаб берилган вазифаларни қўллаб-қувватлашди.

Шундан сўнг йиғилишда креатив иқтисодиётни ривожлантиришга қаратилган қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда маданият ва санъатни ривожлантиришга, аҳолининг ва юртимизга ташриф буюрувчи туристларнинг маданий дам олишларига кенг шарт-шароитлар яратиш ҳамда соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ушбу қонун лойиҳаси ҳам креатив иқтисодиёт соҳасини тизимли ривожлантириш, ижодкорлар ва креатив тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ҳамда соҳада инновацион фаолиятни рағбатлантиришга қаратилган.

Қонун лойиҳасида креатив иқтисодиёт субъектларини қўллаб-қувватлаш механизмларини жорий этиш, улар учун қулай ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитлар яратиш назарда тутилмоқда.

– *Қонун лойиҳаси фракциямиз йиғилишида атрофлича муҳокама қилиниб, уни янада такомиллаштириш бўйича бир қатор таклифлар берилди,* – дейди фракция аъзоси Беҳзод Тўхтамуродов. – *Унда назарда тутилаётган нормалар маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш, хусусан, мамлакатимиз аҳолиси ва хориждан ташриф буюрувчи сайёҳлар учун ўтказилаётган маданий тадбирларни юқори савияда ташкил этилишига хизмат қилади.*

Муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

# ЯНГИҲАЁТ: МУАММОЛАРГА ЕЧИМ ТОПИЛМОҚДА



Бугунги кунда давлат ва жамият ўртасидаги ишонч кўпригини мустаҳкамлашда халқ вакилларининг бевосита маҳаллабай ишлаш тизими муҳим аҳамият касб этмоқда.

“Адолат” СДП фракцияси аъзоси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Ойдин Абдуллаеванинг Тошкент шаҳар Янгиҳаёт туманида ўтказган ўрганишлари ҳам айнан шу мақсадга йўналтирилди.

Жойлардаги мулоқотлар шунчаки расмий учрашув эмас, балки ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий манзарасини ичидан кузатиш, аҳолини қийнаётган оғриқли нуқталарни аниқлаш ва уларга тизимли ечим топиш йўлидаги навбатдаги муҳим қадам бўлди.





## ЯНГИҲАЁТНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ ВА ЕЧИМИНИ КУТАЁТГАН МАСАЛАЛАР

Янгиҳаёт тумани нисбатан ёш маъмурий бирлик бўлса-да, унинг таркибига киритилган “Тошкент”, “Чортоқ” ва “Файзли” маҳаллалари илгари Тошкент вилояти тасарруфида бўлганлиги боис, инфратузилма борасида ўзига хос қийинчиликлар бор эди. Охирги йилларда бу ерда йўлларни таъмирлаш, кўчаларни ёритиш ва ижтимоий объектларни реконструкция қилиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилгани кўзга ташланади.

Бироқ депутатнинг маҳалла еттиликлари билан ўтказган мулоқотлари давомида аниқландики, ҳали олдинда қилиниши керак бўлган ишлар талайгина. Хусусан, тоза ичимлик суви ва канализация тизимидаги муаммолар аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Энг ачинарлиси, маҳалла ички кўчаларида замонавий ёритиш чироқлари ўрнатилган бўлса-да, уларни электр тармоғига улаш ишлари пайсалга солинаётгани аниқланди. “Тошкент” маҳалласидаги ушбу ҳолат бўйича депутат “Тошкент шаҳар нур” ташкилоти билан келишиб, масалани икки ой ичида ижобий ҳал этиш чорасини кўрди. Бу каби сансалорлик ҳолатлари халқ вакилининг қатъий назоратига олинди.

## НАЗАРДАН ЧЕТДА ҚОЛГАН ИЖТИМОИЙ ИНФРАТУЗИЛМА ВА ХАВФСИЗЛИК

Депутат ўрганишлари давомида аҳолининг кундалик турмуш тарзи учун зарур бўлган хизмат кўрсатиш объектлари, жумладан, дорихона ва сартарошхоналарнинг ҳудудда мавжуд эмаслиги ва аҳоли ушбу хизматлар учун туман марказига қатнаб овора бўлаётгани жиддий камчилик сифатида қайд этилди.

Қолаверса, ҳудудда янги симёғочлар ўрнатилгач, эски ва яроқсизларининг ўз вақтида маҳалла ҳудудидан олиб чиқиб кетилмагани аҳоли, айниқса, ёш болалар ҳаёти учун хавф туғдираётгани маълум бўлди. Депутат ушбу масалада туман мутасаддилари билан боғланиб, муаммони тезкор ҳал этиш кераклигини билдирди ҳамда бу жараённи назоратига олди.

Шунингдек, “Тошкент” маҳалласи ҳудудида “Ўзтелеком” мутахассислари томонидан алоқа кабелларининг сифатсиз ва аҳоли хонадонларига хавфли даражада яқин ўрнатилгани ҳам депутатнинг жиддий эътирозига сабаб бўлди.

Мазкур ҳолатлар юзасидан тегишли ташкилотларга зудлик билан камчиликларни бартараф этиш вазифаси юклатилди.

Яна бир эътиборли жиҳат шундаки, маҳалла биноларининг кадастр ҳужжатлари расмийлаштирилмагани сабабли коммунал шартномалар тузиш, замонавий қуёш панеллари ўрнатиш ёки аҳолига қулайлик яратиш мақсадида банкоматлар қўйишда сунъий тўсиқлар юзага келаётган экан. Ойдин Абдуллаева ушбу ҳужжатларни тартибга солиш бўйича туман ҳокимлиги мутасаддилари билан келишиб олди.

## ЭСКИ УЙЛАРДАН ЗАМОНАВИЙ МАСКАНЛАР САРИ

Депутат ўрганишларининг иккинчи куни “Ал-Фарғоний”, “Виқор”, “Йўлдош” ва “Чорбоғ” маҳаллаларини қамраб олди. Ушбу ҳудудларнинг ўзига хос мураккабликлари бор. Хусусан, аҳолини йиллар давомида қийнаб келаётган асосий масала — маънан эскирган, муддатини ўтаб бўлган ёғоч уйларда истиқомат қилинаётганидир.



Ойдин Абдуллаева ушбу масалани уйма-уй юриб бевосита ўрганди. Қувонарлиси, ушбу ҳудуд катта ўзгаришлар остонасида турибди: жорий йилнинг учинчи чорагидан бошлаб 400 та оилани янги, барча қулайликларга эга кўп қаватли уйларга кўчириш режалаштирилган.

Давлат дастури асосида олиб борилаётган бу жараён 2028 йилга қадар тўлиқ якунланиши белгиланган. Бу минглаб ҳудуд аҳолисининг муносиб турмуш шароитига эга бўлишини кафолатлайди. Депутат ўз навбатида ушбу лойиҳа доирасидаги қурилишларнинг бориши билан танишди ва олиб борилаётган ишларнинг барча жараёнларини кузатиб боришини билдирди.

## ТАЪЛИМДАГИ ЮТУҚЛАР ВА ИНФРАТУЗИЛМА ЭҲТИЁЖИ

Депутатнинг навбатдаги манзили ҳудуддаги 2-сонли умумтаълим мактаби бўлди. Мазкур даргоҳ ўз ютуқлари ва таълим сифати билан туманда намунали масканлардан бири ҳисобланади. Бироқ сифат бор жойда талаб ҳам юқори. Мактаб биноси аслида 940 ўринга мўлжалланган бўлса-да, бугунги кунда унда 1500 нафарга яқин ўқувчи таҳсил олмоқда.

Бундай юклама нафақат ўқув жараёнига, балки ўқувчиларнинг жисмоний, маънавий тарбиясига ҳам таъсир ўтказмай қолмайди. Мактаб жамоаси билан суҳбатда қўшимча спорт залига эҳтиёж борлиги маълум бўлди. Ойдин Абдуллаева бу масалани ўз назоратига олиб, уни тегишли вазирлик ва идоралар олдига қўйишини таъкидлади. Зеро, соғлом авлодни тарбиялаш — партиямизнинг устувор вазифаларидан биридир.



## РАҚАМЛИ ДУНЁДАГИ ИЖТИМОИЙ МАСЪУЛИЯТ

Бугунги ахборот асрида нафақат моддий, балки маънавий хавфсизлик ҳам муҳим. “Чорбоғ” ва “Виқор” маҳаллалари фаоллари ижтимоий тармоқларда тарқалаётган фейк (ёлғон) хабарлар одамлар орасида турли асоссиз хулосаларга сабаб бўлаётганидан ташвиш билдирдилар.

Депутат бу борада аҳолининг ахборот маданиятини ошириш, ҳар бир хабарни саралаш ва медиасаводхонликни кучайтириш бўйича тарғибот ишларини жадаллаштириш зарурлигини қайд этди.

## ЭКОЛОГИЯ ВА САЛОМАТЛИК — ЭНГ МУҲИМ МАСАЛА

Учрашувлар давомида янгиҳаётликлар томонидан энг кўп кўтарилган оғриқли масалалардан бири — экологик вазият бўлди. Тумандаги ишлаб чиқариш корхоналаридан чиқаётган зарарли тутунлар атроф-муҳитни заҳарлаб, фуқаролар саломатлигига жиддий хавф туғдирмоқда.

— Биз учун аҳоли саломатлиги ҳар қандай иқтисодий кўрсаткичдан устун, — деди депутат учрашувда.

Ойдин Абдуллаева ҳаво сифати мониторингини мунтазам йўлга қўйиш ҳамда саноат корхоналарида замонавий фильтр ускуналарини ўрнатиш масаласини мутасаддилар олдига қатъий қилиб қўйди. Бу борада депутатлик сўрови юборилиши белгилаб олинди.

## ТРАНСПОРТ МУАММОСИГА ЕЧИМ

Маҳаллий аҳолини қийнаётган яна бир масала — жамоат транспорти қатнови эди. “Чортоқ” маҳалласи аҳолиси 48-сонли автобус йўналишини узайтириш бўйича мурожаат қилишди. Мазкур сўров депутатнинг бевосита аралашуви ва “Тошшаҳартрансхизмат” АК билан олиб борилган музокаралар натижасида тез кунларда ижобий ҳал этиладиган бўлди. Эндиликда маҳалла аҳли, айниқса, кексалар ва мактаб ўқувчилари учун манзилга етиш янада осонлашади.

## МАЪНАВИЯТ — ҚАЛБЛАРНИ БИРЛАШТИРУВЧИ КУЧ

Маълумки, бугунги кунда ҳар қандай жамиятнинг ривожланиши фақат иқтисодий кўрсаткичлар билан эмас, балки унинг фуқаролари қалбидаги маънавий бойлик билан ҳам ўлчанади. Маданият ва маърифат инсон руҳиятининг асосий пойдевори сифатида халқни бирлаштириш, миллий ўзликни мустаҳкамлаш ва ёш авлодларни тарбиялашда беқиёс восита ҳисобланади.

Мазкур омиллардан келиб чиққан ҳолда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси аъзоси Ойдин Абдуллаеванинг ташаббуси билан Янгиҳаёт туманида истиқомат қилувчи ижтимоий кўмакка муҳтож оилалар вакилларидан бир гуруҳи Ўзбек миллий академик драма театрига таклиф этилди. Мамлакатимизнинг энг нуфузли саҳна санъати масканида меҳмонлар Ўзбекистон халқ шоири, драматург Усмон Азим қаламига мансуб, таниқли режиссёр Валижон Умаров томонидан маҳорат билан саҳналаштирилган “Чўлпон” спектаклини томоша қилиш имкониятига эга бўлдилар.

Театр санъати инсонни тирик ҳис-туйғулар орқали тафаккурга, ўз-ўзини англашга ва миллий қадриятларни қадрлашга ундайди. Шу нуқтаи назардан бу каби тадбирларнинг ижтимоий аҳамияти ҳам катта. Эҳтиёжманд оилалар кўпинча молиявий қийинчиликлар туфайли маданий тадбирлардан четда қолиб кетади. Шунинг учун ҳам депутат Ойдин Абдуллаеванинг бу ташаббуси ижтимоий тенгликни таъминлаш, инсон қадрини улуғлаш ва жамиятнинг ҳар бир аъзосига тенг имкониятлар яратиш йўлидаги қадам ҳисобланади.

Тадбир иштирокчилари бой таассуротлар билан қайтдилар.

– *Спектакль давомида кечган ҳаяжонли лаҳзалар ва актёрларнинг маҳорати бизда унутилмас таассурот қолдирди. Бу каби тадбирлар бизга маънавий озуқа бериш билан бирга, ўзлигимизни англашимизга ҳам ёрдам беради. Биз театрга келиб, Чўлпондек буюк шахснинг ҳаётини кўриб, ўз турмушимизга янгича назар ташлашни ўргандик,* — дейди тадбир иштирокчиси “Орият” МФЙ раиси Бахтигул Раҳимова

Таъкидлаш жоизки, “Адолат” социал-демократик партияси ижтимоий адолат тамойилларини ва аҳолининг ижтимоий ҳимояланган қатламлари манфаатларини ҳимоя қилишни ўз фаолиятининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгилаган. Партия фракцияси аъзоларининг бундай ташаббуслари партиянинг дастурий мақсадлари амалда рўёбга чиқарилаётганининг яққол намунасидир. Чунки ҳақиқий депутатлик фаолияти фақат қонун ишлаб чиқиш билан чекланмасдан, балки халқ билан бевосита мулоқот қилиш, уларнинг дардини эшитиш ва амалий ёрдам кўрсатишни ҳам ўз ичига олади.





**Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Ойдин Абдуллаеванинг Янгиҳаёт туманидаги ўрганишлари шунчаки кузатув эмас, балки муаммоларнинг туб илдизига кириб бориш ва уларни ҳал этишнинг ижро механизмларини белгилаш билан аҳамиятли бўлди. Зеро, халқ вакилининг ҳар бир қадами ва учрашуви замирида инсон тақдири, унинг бахти ва фаровонлигига хизмат қилиш мақсади мужассам. “Адолат ҳар бир инсон ҳаётида ўз аксини топсин” деган эзгу тамойил асосида депутатларнинг бевосита маҳаллабай тизимида олиб бораётган ишлари бугун ўз амалий самарасини бермоқда.**

**Муродилла МАҲМУДОВ,**
**«Адолат» СДП Матбуот хизмати раҳбари**







# ОЛМАЛИҚ КОМБИНАТИ МИС ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БЎЙИЧА

## ДУНЁДАГИ УЧТА ЭНГ ЙИРИК КОМПЛЕКСДАН БИРИГА АЙЛАНАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 16 март куни Олмалиқ кон-металлургия комбинатига ташриф буюриб, 3-мис бойитиш фабрикасини ишга тушириш маросимида иштирок этди. Шунингдек, давлатимиз раҳбари мис концентратини ишлаб чиқариш жараёни ва комбинатда ташкил этилган Рақамлаштирилган бошқарув маркази фаолияти билан танишди, тоғ-кон саноатидаги йирик инвестиция лойиҳаларини жадаллаштириш чора-тадбирлари юзасидан йиғилиш ўтказди.



Давлатимиз раҳбари дастлаб 3-мис бойитиш фабрикасини ишга тушириш маросимида қатнашди.

Юртимизда саноат, энергетика, инфратузилма, сервис соҳаларида кўплаб йирик лойиҳалар ишга туширилмоқда. Ҳар бир ҳудудда янги уй-жой массивлари, таълим ва тиббиёт муассасалари, туризм ва маданият масканлари бунёд этилмоқда.

Мамлакатимиз саноати ривожи учун стратегик аҳамиятга эга бўлган 3-мис бойитиш фабрикаси ҳам ана шундай кенг кўламли ишлар ва бунёдкор халқимизнинг фидокорона меҳнати маҳсулидир.

"Ёшлик-1" конини ўзлаштириш дастури доирасида 196 гектар майдонда амалга оширилаётган қиймати 2 миллиард 700 миллион долларлик ушбу лойиҳа шунчаки корхона эмас, балки мамлакатимиз саноат қудратини янада мустаҳкамлайдиган, табиий бойликларимизни чуқур қайта ишлашга хизмат қиладиган замонавий индустриал мажмуа ҳисобланади.

Фабрика йилига 60 миллион тонна маъданни қайта ишлаб, 900 минг тоннага яқин мис концентрати ишлаб чиқариш қуввати билан нафақат Марказий Осиёдаги энг йирик мис ишлаб чиқарувчи мажмуалардан бири, балки дунёдаги йирик бойитиш фабрикалари сирасига киради.

Лойиҳани жаҳон стандартлари даражасида амалга ошириш мақсадида Италиянинг "Wood", Буюк Британиянинг "Worley Parsons" каби компаниялари жалб этилди. Фабрикада жаҳоннинг етакчи компаниялари – "Metso", "FLSmidth", "Weir Minerals" ва "Siemens" технологиялари жорий этилган.

Мазкур лойиҳа ҳududдаги турдош саноат тармоқлари ривожига ҳам кучли туртки берди. Қурилишда ишлатилган металл конструкциялар ҳажмига тенг материалдан 10 та Эйфель минораси, темир-бетон сарфига эса қарийб 2,5 та Бурж Халифа минорасини барпо этиш мумкин. Бу фабриканинг мегалойиҳа эканини яна бир бор тасдиқлайди.

"Яшил макон" умуммиллий дастури доирасида фабрика ҳудудида кенг кўламли кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Томчилатиб суғориш тизимлари ва экодизайн ечимлари саноат ҳамда табиат мувозанатини таъминлашга хизмат қилади.

Президентимиз ўз нутқида сўнгги йилларда тоғ-кон саноатида амалга оширилган ислоҳотлар натижалари ва келгуси режалар ҳақида сўз юритди.

Конларни инвесторларга бериш бўйича шаффоф тизим яратилганининг ҳисобига тўққиз йилда 10 миллиард доллар хорижий инвестиция киритилди. Бугун соҳада 65 та хусусий корхона фаолият юритмоқда.

Натижада тармоқда ишлаб чиқариш 1,7 баробар ўсиб, ўтган йилда 270 триллион сўмга етди. Саноат ҳажми ва бюджетга тушумнинг тўртдан бири ушбу тармоқ ҳиссасига тўғри келмоқда. Муҳими, юқори даромадли энг кўп иш ўринлари ҳам айнан шу соҳадаги корхоналарда.

Хорижий ҳамкорлар билан юқори малакали кадрларни тайёрлаш йўлга қўйилгани ҳам энг катта ютуқлардан бири бўлгани таъкидланди.

Хусусан, Олмалиқда "Москва пўлат ва қоришмалар институти" университети филиали ("МИСиС"), Олмалиқ техника институти, Тошкент шаҳрида Геология фанлари университети (Ухань геология университети билан ҳамкорликда) ҳамда Италиянинг Пиза университети филиали ташкил қилинди. Навоий кончилик технологиялари университетида ҳам Россия, Канада, АҚШ, Франция ва Чилининг илғор олийгоҳлари билан қўшма дастурлар йўлга қўйилди.

Бунинг самараси ўлароқ, илгари қимматбаҳо ва рангли металлар асосан хомашё шаклида экспорт қилинган бўлса, бугун йилига 100 минг тонна мис ўзимизда қайта ишланиб, юқори қийматли маҳсулот яратилмоқда, қисқа муддатда заргарлик саноатида ишлаб чиқариш 3,3 карра ўсиб, 13 триллион сўмдан ошди.

Президентимиз жорий йилнинг ўзида ишга тушадиган лойиҳаларни ҳисобга олиб, мисни чуқур қайта ишлаш қувватлари 240 минг тоннага етишини таъкидлади. Яқин икки-уч йилдаги янги лойиҳалар натижасида бу кўрсаткичлар янада ошади.

Мис саноат, энергетика, электротехника, рақамли иқтисодиёт, сунъий интеллект, "яшил" тараққиёт учун стратегик хомашёга айланганини кўрсатиб ўтилди.

– *Кимки мис саноатида юқори қиймат занжирини яратса, келажак саноатини барпо этган бўлади. Қайси давлат бу хомашёни чуқур қайта ишлаш учун кучли инфратузилма яратса, у минглаб оилаларга даромад, ҳудудларга тараққиёт, мамлакатга қудрат олиб келади. Шу боис, биз ислоҳотларимизнинг илк кунларидан геология-қидирув ишларига алоҳида эътибор қаратиб, мавжуд захиралар ва уларни ишга солиш бўйича имкониятларимизни белгилаб олдик,* – деди давлатимиз раҳбари.

Биргина "Ёшлик-1" конидан жорий йилнинг ўзида 20 миллион тонна руда қазиб олинади. Бу рақам келгуси икки йилда 60 миллион тоннага етади.

Умуман, "Ёшлик-1" ва "Қалмоққир" конларида 45 миллион тонна мис, 5 минг тоннадан зиёд олтин захирасининг борлиги, ушбу захира саноатга камида 100 йилга етадиган кафолатли хомашё базаси бўлиши таъкидланди. Конлардаги молибден, селен, теллур, рений каби ноёб металлар янги инновацион йўналишлардаги лойиҳалар учун мустаҳкам замин яратади.

3-мис бойитиш фабрикаси тўлиқ ишга тушганидан кейин Олмалиқ комбинатида мис концентратининг кунлик ҳажми ҳозирги 2 минг 400 тоннадан 5 минг тоннага ошади. Шу билан бирга, лойиҳа доирасида 6 мингдан зиёд ёшлар юқори даромадли иш жойига эга бўлади. Фабрикада АҚШ, Германия, Россия, Хитой ва Финляндиянинг тоғ-кон саноатидаги энг илғор технологиялари жорий қилинмоқда. Барча технологик жараёнлар рақамлаштирилиб, сунъий интеллект асосида ягона бошқарув тизимига уланади. Буларнинг ҳисобига энергия сарфи 10 фоизга, таннарх 15 фоизга камаяди, меҳнат унумдорлиги эса 10 фоизга ошади.

Бундан ташқари, қиймати 2,5 миллиард долларлик янги мис эритиш заводини барпо этиш бўйича ишлар ҳам бошланган.

Умуман, ушбу 2 та йирик қувват ҳисобига мис катоди ишлаб чиқариш йиллик ҳажми 148,5 минг тоннадан 300 минг тоннага, олтин 20 тоннадан 33 тоннага, кумуш 161 тоннадан 203 тоннага, молибден 850 тоннадан 1,7 минг тоннага етиши таъкидланди. Шу билан бирга, уран қазиб олиш ва кимё саноати учун зарур хомашё бўлган сульфат кислотасини ишлаб чиқариш 3 карра ошади.

Президентимиз бу кўрсаткичларни яна 1,5 карра оширишга хизмат қиладиган 4-мисни бойитиш фабрикаси бўйича лойиҳаолди ишлар жадал кетаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон 2030 йилга қадар ишлаб чиқаришни олтинда 175 тоннага, кумушда 500 тоннага, уранда 15 минг тоннага, мисда 500 минг тоннага етказишни мақсад қилган. Бу борада амалга оширилаётган 22 миллиард долларлик лойиҳалар доирасида яратиладиган 40 мингга яқин юқори даромадли иш ўринлари ёшларимиз учун катта имконият бўлади.

Давлатимиз раҳбари фабрикани қуришда фаол иштирок этаётган барча ишчи-ходимлар, қурувчи ва машинистлар, муҳандис ва технологлар, геолог ва кончилар, ўзининг тажрибаси ва касбий салоҳияти билан ёшларга устозлик қилаётган фахрийлар, лойиҳага ўз ҳиссасини қўшаётган хорижий ҳамкорларга чуқур миннатдорлик билдирди. Фабриканинг янги меҳнат жамоасига эса келгуси ишларида улкан зафарлар тилади.

Комбинат ишчилари, меҳнат фахрийлари, профессор-ўқитувчилар билан мулоқотда бўлди.

Маросим якунида давлатимиз раҳбари рамзий тугмани босиб, фабрика фаолиятига старт берди.

Шундан сўнг Президентимиз Олмалиқ кон-металлургия комбинатида барпо этилган мис концентратини фильтрлаш корпусида бўлди.

3-мис бойитиш фабрикаси таркибидаги корпус йилига 917 минг тоннага яқин мис концентрати ишлаб чиқариш қувватига эга. Замонавий саноат пресс-фильтрлари, насос агрегатлари, шлам ва сув айланма тизимлари ўрнатилган. Ускуналар халқаро стандартлар асосида ишлаб чиқарилган бўлиб, юқори самарадорлик ва энергия тежамкорлиги билан ажралиб туради.

Айни вақтда қурилиш ишлари тўлиқ якунланиб, корпусда умумий 5 та пресс-фильтрдан 3 таси тўлиқ ишга туширилган, яна 2 таси ишга туширишга ҳозирланмоқда.

Фильтрлаш корпусида флотация жараёнидан келган мис концентратини қабул қилиш, концентратни қуюлтириш ва фильтрлаш, тиндирилган сувни ажратиш ва қайта ишлаб чиқаришга қайтариш, тайёр мис концентратини сақлаш ёки кейинги қайта ишлаш босқичига узатиш каби технологик жараёнлар амалга оширилади.

Бугунги кунда бу ерда 130 нафарга яқин ишчи меҳнат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари иш жараёни ва тайёр маҳсулотни кўздан кечирди, ходимлар билан суҳбатлашди.

Президентимиз иштирокида шу ернинг ўзида мис концентратидан намуналар олиш маросими ўтказилди. Намуналар 2 та алоҳида идишга солиниб, Олмалиқ комбинати музейи ва Тошкентдаги Давлат геология музейига юборилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Олмалиқ кон-металлургия комбинатида ташкил этилган Рақамлаштирилган бошқарув маркази фаолияти билан танишди.

Мазкур марказ комбинатнинг 1-, 2- ва 3-мис бойитиш фабрикаларидаги ишлаб чиқариш жараёнларини мувофиқлаштириш, самарадорликни ошириш ва узлуксиз мониторингни таъминлашда муҳим ўрин тутмоқда.

Замонавий рақамли бошқарув тизимлари, катта экранли мониторинг панеллари, видеокузатув воситалари, шунингдек, "Siemens PCS 7" ва "AVEVA PI Vision" платформалари орқали майдалаш, флотация, қуюлтириш, фильтрлаш, реагентлар билан таъминлаш, технологик сув таъминоти, цехлар ва транспорт тизими фаолияти реал вақт режимида назорат қилинмоқда.

Бошқача айтганда, ушбу марказ фабриканинг ўзига хос "мияси" бўлиб, йигирма мингдан зиёд ускуна ягона ахборот тизимига уланган.

"Ақлли" камералар орқали дастлабки мониторинг амалга оширилади, сунъий интеллект ёрдамида эса аномал ҳолатлар автоматик тарзда аниқланади. Бу маълумотларни ягона ахборот тизими орқали таҳлил қилиш ва тезкор қарорлар қабул қилиш имконини беради.

Президентимиз марказ фаолияти билан танишар экан, сунъий интеллект орқали, айниқса, тоғ-кон ва металлургия тармоқларида самарадорликни ошириш бўйича катта имкониятлар борлигини таъкидлади. Шу билан бирга, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш мақсадида замонавий ресурс тежовчи технологияларни кенг жорий этиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Шу ернинг ўзида давлатимиз раҳбарига комбинатнинг ишлаб чиқариш ва технологик жараёнларини янада рақамлаштириш бўйича режалар тақдимот қилинди.

Қайд этилганидек, кондан маъдан қазиб олишдан бошлаб тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган барча жараёнлар босқичма-босқич рақамлаштирилмоқда. Келгуси беш йилда ҳар бир босқичга сунъий интеллект ечимларини кенг жорий этиш кўзда тутилган.

Саксон йил давомида тўпланган геологик ва маркшейдерлик маълумотлари асосида конларни рақамлаштириш ишларининг бориши ҳақида ҳам ахборот берилди. Жумладан, "Рақамли кон" тизими кунлик, ҳафталик ва ойлик қазиш ишларининг аниқ йўналишларини белгилаш имконини бермоқда.

Сунъий интеллект асосида карьер йўллари ҳолати назорат қилинмоқда, самосвал шиналарининг босими ва ҳарорати датчиклар орқали кузатиб борилмоқда. Ана шундай доимий мониторинг натижасида шиналарнинг хизмат муддати 14 фоизга оширилган.

Соҳада замонавий технологияларни чуқур ўзлаштирган мутахассислар тайёрлаш, кадрларни янги иш усуллари ва рақамли ечимлар асосида ўқитиш устувор вазифалардан бири экани кўрсатиб ўтилди.

Патент ишлари кўламини кенгайтириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Фабрикадаги ҳар бир босқичда қўлланилаётган илмий-технологик ечимларни патентлаш, бу борада ваколатли ташкилотлар билан ҳамкорликни кучайтириш, истиқболли инновацион йўналишларни белгилаб олиш зарурлиги таъкидланди.

Қайд этилганидек, янги патент бу – янги технология, янги ишлаб чиқариш йўналиши ва янги бозорлар, демак. Мамлакатимиздаги бой хомашё базаси жаҳон бозорларига чиқиш учун кенг имкониятлар яратаётгани инобатга олиниб, 2026 йилда қайси истиқболли йўналишларда яна қанча патент олиш мумкинлиги юзасидан аниқ ёндашувларни ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Олмалиқ кон-металлургия комбинатига ташриф доирасида тоғ-кон саноатида амалга оширилаётган йирик инвестиция лойиҳаларини жадаллаштириш юзасидан йиғилиш ўтказди.

Таъкидланганидек, бугунги кунда ахборот технологиялари, сунъий интеллект, робототехника, энергетика, электротехника, кимё ва мудофаа саноати каби стратегик тармоқларни жадал ривожлантириш кўп жиҳатдан мис, уран, литий, вольфрам ва бошқа муҳим металлар базасига таянади. Дунё бозорларида мазкур ресурсларга талаб ошиб бораётгани, жумладан, мис концентрати бозорида тақчиллик кучайиб, нархлар ўсиши кутилаётгани тоғ-кон ва металлургия соҳасидаги лойиҳаларни тезлаштиришни янада долзарб қилиб қўймоқда.

Шу муносабат билан 2030 йилга қадар Ўзбекистонда олтин ишлаб чиқаришни 175 тоннага, кумушни 500 тоннага, уранни 15 минг тоннага, мисни 500 минг тоннага етказиш бўйича белгиланган марраларга эришиш учун барча имкониятларни тўлиқ сафарбар этиш зарурлиги қайд этилди.

Бу борада ҳар бир йирик лойиҳани аниқ график асосида амалга ошириш, молиялаштириш, қурилиш, логистика, технологик жиҳозлаш ва кадрлар билан таъминлаш масалаларини ўзаро уйғунликда ҳал қилиш муҳимлиги кўрсатиб ўтилди.

Йиғилишда, аввало, Олмалиқ кон-металлургия комбинатида амалга оширилаётган стратегик лойиҳаларнинг бориши танқидий кўриб чиқилди. Хусусан, 3-мис бойитиш фабрикасининг кейинги навбатларини жадаллаштириш юзасидан аниқ топшириқлар берилди.

Шунингдек, мазкур лойиҳанинг технологик давоми ҳисобланган янги мис эритиш заводини барпо этиш масалалари ҳам кўриб чиқилди. Унда техник-иқтисодий асосни якунлаш, хорижий экспертларни жалб қилиш, қисқа муддатларда қурилиш ишларини бошлаш юзасидан масъулларга аниқ вазифалар юклатилди.

Олмалиқ комбинатининг истиқболдаги эҳтиёжларидан келиб чиқиб, 4-мис бойитиш фабрикаси бўйича техник-иқтисодий асосни ишлаб чиқиш учун нуфузли халқаро компанияларни жалб этиш вазифаси алоҳида кўрсатиб ўтилди. Ушбу ҳужжатда сув таъминоти, темир йўл, энергетика инфратузилмаси, экологик талаблар ва юқори самарали технологияларни комплекс қамраб олиш лозимлиги таъкидланди.

Йиғилишда жорий йил учун тармоқда 90 та лойиҳа доирасида 2 миллиард 200 миллион доллар инвестиция жалб қилиш, 172,5 минг тонна мис, 120 тонна олтин, 210,5 тонна кумуш ва 8 минг тонна уран ишлаб чиқариш вазифалари белгилангани қайд этилди.

Шу билан бирга, бир қатор истиқболли конлар ва объектлар бўйича техник-иқтисодий асосларни тез фурсатда якунлаш, экспертиза жараёнларини соддалаштириш бўйича қабул қилинган янги қарор имкониятларидан самарали фойдаланиш зарурлиги таъкидланди. Ҳукуматга ушбу лойиҳалар доирасидаги ташкилий ва ҳуқуқий масалаларни қисқа муддатда ҳал қилиш топширилди.

Энергетика ресурсларига бўлган талаб ортиб бораётган шароитда кўмир қазиб чиқариш ва уни қайта ишлаш лойиҳаларини жадаллаштириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Аҳоли ва саноат корхоналарига кўмир етказиб бериш ҳажмини ошириш юзасидан вазифалар белгиланди.

Навоий кон-металлургия комбинати фаолияти доирасида "Мурунтов" конини кенгайтиришнинг навбатдаги босқичи, янги конларни ўзлаштириш, мураккаб рудалардан олтин ажратиб олиш технологияларини жорий этиш, шунингдек, айрим йирик лойиҳалар бўйича инвесторлар билан ҳамкорлик механизмларини қайта кўриб чиқиш юзасидан топшириқлар берилди.

Металлургия йўналишида "Ўзметкомбинат"да ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, ички хомашё базасидан самарали фойдаланиш, рақобатбардош маҳсулот турларини кўпайтириш, бозор талабига мос металл листлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш масалалари кўриб чиқилди. Бу борада хомашё таъминоти, маҳсулот турларини диверсификация қилиш ва янги бозорларни ўзлаштириш бўйича аниқ чоралар белгиланди.

Йиғилишда Технологик металлар комбинати фаолиятига ҳам тўхталиниб, саноат учун муҳим металлар ва мураккаб қотишмалар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, селен, теллур, кукун металлургияси деталлари ва бошқа юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича лойиҳаларни жадаллаштириш вазифаси қўйилди.

Тармоқ корхоналарида таннархни пасайтириш ва харажатларни қисқартириш масалалари ҳам диққат марказида бўлди. Мутасаддиларга бир бирлик маҳсулот таннархини қисқартириш, энергия сарфини камайтириш, ресурслардан тежамкор фойдаланиш ва ойма-ой аниқ натижаларга эришиш бўйича манзилли дастурлар ишлаб чиқиш топширилди.

Давлат харидлари ва кооперация соҳасида маҳаллий компонентни кенгайтиришга алоҳида урғу берилди. Шу боис, мутасаддиларга лойиҳалар ва харидларда маҳаллий компонент улушини жорий йилда 2 миллиард доллардан ошириш бўйича аниқ кўрсаткичлар белгилаб берилди.

Шунингдек, геология-қидирув ишларини кучайтириш, қўшимча захираларни аниқлаш, янги кон ва инвестиция блокларини инвесторларга таклиф қилиш, углеводородга истиқболли майдонларни иқтисодиётга жалб этиш бўйича режалар муҳокама қилинди. Бу йўналишда жорий йилда олтин, кумуш, мис, уран ва рух захираларини сезиларли ошириш вазифаси қўйилди.

Йиғилишда соҳада амалга оширилаётган 22 миллиард долларлик лойиҳалар доирасида 38 мингта янги иш ўрни яратилиши, жумладан, 7,5 минг муҳандис ва 14 минг ўрта бўғин мутахассисларига эҳтиёж пайдо бўлиши қайд этилди. Шу муносабат билан соҳадаги олий таълим муассасалари ва техникумлар фаолиятини янги талаблар асосида ташкил этиш, таълим дастурларини замонавий технологияларга мослаштириш, дуал таълимни кенг жорий этиш, диплом ишларини бевосита ишлаб чиқариш вазифалари билан боғлаш бўйича кўрсатмалар берилди.

Бундан ташқари, олийгоҳлардаги илмий тадқиқотларни комбинатлардаги амалий технологик ечимларга йўналтириш, илмий ишлар натижаларини ишлаб чиқаришга татбиқ этиш, талабалар учун ўқув-машғулот полигонларини ташкил қилиш, саноат корхоналарида цехларни амалиёт ва тадқиқотлар учун мослаштириш вазифалари белгиланди.

Янги лойиҳалар доирасидаги долзарб илмий мавзулар рўйхатини очиқ эълон қилиш тизимини йўлга қўйиш топширилди. Бу тадқиқотларда соҳадаги 5 та олийгоҳ билан бир қаторда техника йўналишидаги барча давлат, хусусий олийгоҳ ва илмий ташкилотлар иштирок этиши мумкин бўлади.

Йиғилиш якунида тоғ-кон, металлургия, кимё ва нефть-газ каби базавий тармоқларда йирик лойиҳалар ижросини тизимли назорат қилиш мақсадида Президент раҳбарлигида Саноат кенгаши тузилиши маълум қилинди. Ушбу кенгаш доирасида йирик корхоналарни халқаро стандартлар асосида трансформация қилиш, таннарх ва энергия сарфини камайтириш, хомашёни чуқур қайта ишлаш, маҳаллий контентни ошириш, барча жараёнларни рақамлаштириш, сунъий интеллектни жорий этиш, инвестиция ва экспортни кўпайтириш бўйича ойлик иш режалари тасдиқланади.

Мутасадди раҳбарларга ушбу режалар ижросини ҳар ой жойларга чиққан ҳолда корхонабай танқидий муҳокама қилиш, мавжуд масалаларни тезкор ҳал этиш ва ҳар чорак якунлари бўйича ҳисобот киритиб бориш топширилди.

**ЎзА**



# Гўзаллик, ободлик, яратувчилик айёми

Камол МАТЁҚУБОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Баҳор бошланиши билан унинг бағрида яна бир улуғвор ўзгариш рўй беради. Қишнинг тўқсон кун давом этган тунги узайишлари, ҳукмронликлари ниҳоясига етади. 21 мартда тун ва кун вақт жиҳатдан тенглашади. Баҳорий тенглик юзага келади. Шу кундан бошлаб тун – зулмат чекиниб, кун – ёруғлик узая бошлайди. Гўё яхшилик ёмонлик устидан ғолиб келади. Шу сабабли ушбу кунни шарқ халқлари, Ўрта Осиё аҳолиси, жумладан, халқимиз Янги кун – Наврўз деб атаб, улуғ байрам сифатида нишонлашган. Шу тариқа табиатнинг байрами жамиятнинг, инсониятнинг байрамига айланган. Ушбу байрамнинг ниҳоятда қадимийлигига кекса тарих, ўтмиш битиклари гувоҳ.

Улуғ мутаффаккир Умар Ҳайём "Наврўзнома" асарида бу кун ва унинг байрамга айланиши хусусида бундай деб ёзади: *"Исфандармуз ойида мевали дарахт ва ўсимликлар кўкара бошлайди. Офтоб бу ойда охирги Ҳут буржига етиб келади. Қаюмарс вақтни ўн икки бўлакка бўлди ва йил ҳисобининг бошланишини белгилади. Бу орада тарихдан бир минг қирқ йил ўтди ва офтоб Фарвардиннинг биринчисида тўққизинчи буржга кирди. Жамшид подшолигининг тўрт юз йигирма биринчи йили ўтгач бу давр тугади ва қуёш ўз Фарвардинида Ҳамалнинг бошига қайтиб келди. Шундай қилиб дунё мувозанатга келди.* (Яъни, тун билан кун тенглашди.) *Бу кунда у* (Жамшид) *байрам ташкил қилди, унга "Наврўз" деб ном берди. Одамларга ҳар йили Фарвардин келганда байрам қилишни ва ўша кунни Янги (йил) деб ҳисоблашни, токи оламда қуёш бор экан, Наврўз ҳам барқарор бўлсин, деб буюрди".*

Абу Райҳон Беруний "Осор ул-боқия" асарида Фарвардин моҳнинг биринчи куни Наврўз санасидир, у янги йилнинг биринчи куни бўлиб, баҳор ёмғирининг биринчи томчиси тушишидан гуллар очилгунча, дарахтлар гуллашидан мевалар етилгунча, ҳайвонларда насл вужудга келгунича, ўсимликлар униб чиқишидан такомиллашгунича давом этган вақтда келади, шунинг учун Наврўз оламнинг бошланиши ва яратилишига далил қилинган, деб маълумот беради. Улуғ аллома *"Жамшиддан кейинги подшоҳлар Фарвардин моҳнинг барча кунларини байрамга айлантириб, уларни олти қисмга бўлдилар. Биринчи беш кун подшоҳлар учун, иккинчиси улуғ кишилар учун, учинчиси подшоҳларнинг ғуломлари учун, тўртинчиси хизматкорлари учун, бешинчиси халқ оммаси учун, олтинчиси чўпонлар учун байрам қилиб белгиланди",* деб ёзади. Шу билан бирга Беруний *"Фарвардин моҳнинг олтинчи куни катта Наврўз байрами. Айтишларича, шу куни Аллоҳ маҳлуқотни яратишдан фориғ бўлган, Муштарий шу куни яратилган ва бу куннинг энг саодатли вақти Муштарий соатидир. Шу куни Зардуштнинг Худога муножат этиш навбати етган, Кайхусров ҳавога кўтарилган, Ерда яшовчиларга шу куни саодатлар тақсим этилган. Шунинг учун халқлар бу кунни "Умид куни" деб атайдилар"* деган ривоятни ҳам келтиради. Алломанинг ёзишича, Наврўз куни етти хил дон экилган, уларнинг униб чиқишига қараб, шу йилги ғаллаларнинг тўлиқ ёки пуч бўлиши аниқланган. Бундан ташқари, Наврўз куни Харузо номли сув фариштаси куни ҳам ҳисобланган. Шу сабаб одамлар оқиб турган сувлардан идишларда сув олиб, умрлари баракатли ва офатлардан холи бўлиши учун устларидан сув қуйганлар. Наврўзда сув сепиш маросими ана шундай пайдо бўлган.

Улуғ муаррих Абу Бакр Муҳаммад ан-Наршахий "Бухоро тарихи" асарида Варахша қалъаси ҳақида сўз юритганда бундай деб ёзади: *"Бу ерда ҳар ўн беш кунда бир кун бозор бўлади, йилнинг охирида эса одамлар йигирма кун бозор қилиб, йигирма биринчи куни Наврўз – янги йил байрамини ўтказадилар. Буни "Наврўзи кишоварзон" – "Деҳқонлар наврўзи" дейдилар. Бухоро деҳқонлари (йил кунлари) ҳисобини ўша кундан бошлайдилар ва бунга эътибор берадилар. Оташпарастларнинг Наврўзи ундан беш кун кейин келади".* Бошқа бир тарихчи Абул Ҳасан Нишопурий "Хазоин ул-улум" асарида оташпарастлар (зардуштийлар) Наврўзи ҳақида яна шундай деб маълумот беради: *"Сиёвуш ибн Кайковус ўз отасидан қочиб, Жайхун дарёсидан ўтиб, Афросиёбнинг олдига келди. Афросиёб уни яхши қабул этди ва ўз қизини унга хотинликка бериб, айтишларича, мулкнинг бир қисми – вилоятни ҳам унга топширди. Бу вилоят ўзига вақтинча берилиб қўйилган жой эканлиги туфайли Сиёвуш бу ерда ўзидан бир ёдгорлик қолдиришни истади. Шундай қилиб, у Бухоро ҳисорини бино қилдирди. Кимлардир у билан Афросиёб ўртасида ёмон гап юргизди ва натижада Афросиёб уни ўлдирди ҳамда ана шу ҳисорда шарқий дарвозадан кираверишда "Дарвозаи ғуриён" деб аталган сомонфурушлар дарвозасининг ичкарисига дафн этдилар. Шу сабабли Бухоро оташпарастлари ўша жойни азиз тутадилар ва унга атаб ҳар бир эркак киши ҳар йили Наврўз куни қуёш чиқишидан олдин ўша жойда биттадан хўроз сўяди. Бухоро аҳолисининг Сиёвушнинг ўлдирилишига бағишлаб айтган марсиялари бўлиб, у барча вилоятларда машҳурдир. Қўшиқчилар уни "оташпарастлар йиғиси" дейдилар. Бу гаплар бўлганига ҳозир уч минг йилдан ортиқроқ вақт ўтди".*

"Наврўзнома" олис ўтмишда фақат тарихий асарлардагина эмас, мусиқа санъатида ҳам яратилган. Халқимиз томонидан бу байрамга атаб куйлар, қўшиқлар тўқилган. Масалан, "Шашмақом"нинг наср деб аталадиган шўъбалари қаторида "Наврўзи сабо", "Наврўзи ажам", "Наврўзи хоро" шўъбалари ҳам мавжуд. Айни пайтда уларнинг ашулалари билан бирга тароналари ҳам яратилган. Наврўз байрамида "Шашмақом"даги бу қўшиқлар ва куйлардан ташқари "Наврўзи ажам" деб аталган халқ куйи ҳам ижро қилинган.

Бу маълумотлар Наврўз байрамининг нафақат қадимийлигини, унинг туб негизлари юртимиз билан боғлиқлигини ҳам исботлайди. Наврўз қандай замон ва қандай даврон бўлишига қарамай, барча даврларда буюк қадрият сифатида улуғланиб келинган. Юртимизга босқинлар ва таъқиқлар ҳам уни халқимиз қалбидан ўчира олмаган. Шу сабабли ҳам бу байрам биз учун ҳаёт абадийлигини, табиатнинг устувор қудрати ва саховатини, минглаб йиллик қадриятларимизни, аждодларимизнинг ўлмас мероси бўлган урф-одатларимизни намоён этувчи эзгулик тимсоли сифатида яшаб келмоқда. Бу байрамнинг яна бир ўзига хос хусусияти шундаки, халқимизга, миллатимизга хос юксак инсонийлик, меҳр-мурувват, оқибат, қадр-қиммат, саховатпешалик, бағри кенглик, самимийлик каби олижаноб қадриятлар асрлар оша ўтиб, сайқалланиб, эндиликда янгича маъно касб этмоқда.

Наврўз нафақат умумхалқ байрами, балки йилбоши сифатида қилинган ишларни таҳлил қилиш, режаларни белгилаб олиш айёми ҳам ҳисобланади. Бу айёмда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий ҳаётида амалга оширилган яратувчилик, бунёдкорлик ишлари сарҳисоб қилинади. Юртимиз ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар, янгиланишлар, юксалишлар омиллари таҳлил этилади. "Ўзбекистон – 2030" Ҳаракатлар стратегиясининг жорий йил учун ва "Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш" йили" доирасида қилинадиган ишлар кўлами белгилаб олинади. Табиатдаги уйғониш жамиятдаги ўзгаришларга, яратувчиликларга йўл очиб беради.

Шу билан бирга мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида умумхалқ байрами бўлган Наврўзни кенг нишонлаш мақсадида ҳар йили давлатимиз раҳбарининг алоҳида қарори қабул қилиниши ҳам ушбу байрамнинг юксак нуфузини кўрсатади. Қарор асосида байрамга хос турфа жиҳатлар улуғланади. Президентнинг бу йилги қарорида ушбу байрам билан боғлиқ қадриятларини улуғлашга алоҳида аҳамият берилди. Шунинг учун байрам юртимизда **"НАВРЎЗНИ УЛУҒЛАШ – ИНСОННИ УЛУҒЛАШДИР!"** деган эзгу ғоя асосида нишонланмоқда. Айни пайтда байрамни миллий қадриятлар, анъаналар ҳамда бугунги ислоҳотлар маъно-моҳиятига мос ҳолда, юксак даражада ташкил этиш учун, унда юртдошларимизнинг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида барча тадбирлар борлиқнинг уйғониши, инсон ва табиат ўртасидаги уйғунлик, она заминга меҳр ва эътиборни ифода этадиган, халқимизни тинч ва осуда ҳаётимизни қадрлаб, шукроналик туйғуси билан яшашга ундайдиган шаклда, республикамизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар, юртдошларимизнинг кундалик ҳаёти, онги, дунёқарашида юз бераётган ижобий ўзгаришлар байрам моҳиятига, азалий қадрият ва анъаналарга ҳамоҳанг эканини акс эттирган тарзда ўтказилмоқда.

Бу йилги Наврўз байрами муқаддас Рамазон ҳайити билан изма-из нишонланаётгани туфайли кекса авлод вакилларини, айниқса, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фронти фахрийларини эъзозлаб, "Меҳрибонлик", "Саховат", "Мурувват" уйларида яшаётган шахслар, ижтимоий ҳимоя дафтарларига киритилган ва кўмакка муҳтож инсонларнинг ҳолидан хабар олиниб, улар учун хайрия тадбирлари ўтказилиб, байрам дастурхонлари ёзилмоқда. Шунингдек, байрам арафасида барча ҳудудларда, туманларда, шаҳарларда, маҳаллалар ва кўчаларда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш билан боғлиқ умумхалқ ҳашарлари ўтказилди, "Яшил макон" умуммиллий лойиҳасида "Мен ҳам кўчат экаман" акциялари амалга оширилмоқда.

Байрам тадбирлари давомида ҳунармандчилик, китоб кўргазмалари ташкил этилиб, миллий спорт мусобақалари уюштирилмоқда, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларининг арзонлаштирилган ярмаркалари, кўчма савдо дўконлари ишламоқда. Жойларда кўклам таомларини тайёрлаш борасида танловлар ўтказилмоқда.

Бу йилги Наврўз тантаналарининг аввалги йилларга нисбатан фарқли томони шундаки, байрамни ўтказишда ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос удум ва анъаналарига, юртимизда яшаётган турли миллат ва элатлар вакилларининг миллий урф-одатларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бошқача айтганда, ушбу байрамнинг руҳи ва фалсафасида мужассам бўлган эзгу-қадриятлар юртдошларимизни эъзозлаш, она заминни асраб-авайлаш, жамиятда дўстлик, ҳамжиҳатлик муҳитини барқарорлаштириш тамойиллари билан уйғунлашмоқда.

Наврўз юртимизда табиатнинг уйғониши, янгиланиши, борлиқнинг гўзал, маъсум қиёфаси билан намоён бўлади. Табиатдаги гўзаллик байрамга ҳам алоҳида шукуҳ бағишлайди. Шунинг учун шоирлар уни доим мадҳ этиб келганлар. Агар улуғ шоир Фирдавсий Наврўзни

***Йил боши Ҳурмузу эди фарвардин,***
***Дилда на ғам қолди, на адоват-кин.***
***Бу бахтиёр кунни ўшандан буён,***
***Шоҳлардан ёдгор деб билурлар ҳамон,***

деб ёзса, улуғ мутасаввуф шоир Фаридиддин Аттор

***Гул чеҳрасида насими Наврўз хушдур,***
***Гулшан аро рухсори дилафрўз хушдур,***

дея уни улуғлайди.

Ёҳуд XIV асрнинг буюк рубоийнависи Паҳлавон Маҳмуд

***Ҳар бир куни умрингни ёруғ юлдуздир,***
***Ҳар кеча қадру ҳар саҳар Наврўздир,***

деб бу кунни мадҳ этса, улуғ мутафаккир Алишер Навоий

***Адолат аро фасли Наврўздек,***
***Сиёсатда барқи жаҳон сўздек,***

дея сиёсат майдонида адолатнинг барқарор бўлишини Наврўзнинг ҳаётда абадийлигига менгзайди. Наврўз барча даврларда ҳамма ижодкорлар томонидан ана шундай улуғланиб келинган. Бу анъана бугунги кунда ҳам шоирларимиз ижодида давом этмоқда.

Наврўз кўп асрлар давомида нафақат юртимизда, балки шарқ халқлари, мамлакатларининг Янги йил байрами сифатида улуғланиб келинган. Бу байрам Покистон ва Афғонистонда етти хил таом ва етти хил шарбат тайёрланган ҳолда кутиб олинади. Қозоғистонда байрам куни пишириладиган энг тансиқ таом – Наврўз гўжасига еттита маҳсулот солинган. Наврўз энг улуғ кун деб белгиланган. Қирғизистонда март ойи Наврўз ойи деб белгиланган ва бу ойда туғилганларга Наврўз исми қўйилган. Туркманистонда 21 мартда Наврўз байрами билан биргаликда "Оналар куни", "Аёллар куни" ҳам нишонланади. Эронда бу байрам 13 кун тантана қилинса, Тожикистонда етти хил таом пишириб кутиб олинган. Озарбайжонликлар байрам тантаналарини мусаффо булоқларда ва дарёларда чўмилиб, бир-бирларини ширинликлар билан сайлашдан бошласа, туркияликлар Наврўзни 23 мартда нишонлашган. Бу байрам қаерда, қандай тантана қилинишидан қатъи назар инсонлар ўртасида меҳр-оқибатни кучайтиришга хизмат қилган. Эндиликда бу байрам руҳи умуминсоний ғоялари, гўзал анъаналари, ўлмас қадриятлари билан дунё халқлари ҳаётига ҳам сингиб бормоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясининг 2010 йил 23 февралдаги резолюциясига мувофиқ, 21 март ҳар йили дунё миқёсида Наврўз халқаро кун сифатида нишонланиб келинмоқда.

Халқимиз ҳар бир кун, ҳар бир сана ва ҳар бир байрамни улуғ тутган. Уларга янгиланишларнинг, яхшиликларнинг бошланиши, деб эҳтиром билан муносабатда бўлган. Шу сабабли улуғ алломаларимиз янги кун, янги йил ва байрамларни ҳафтанинг қайси вақтида кириб келиши, қай тарзда бошланишини белгилаб, йил давомида содир бўладиган воқеа-ҳодисалар, табиатда ва жамиятда, инсонлар ҳаётида юз берадиган ўзгаришлар ҳақида маълумотлар ёзиб қолдирганлар. Яъни, "Йилнома", "Солнома", "Наврўзнома" каби тақвимларни яратганлар. Ана шулар орасида улуғ аллома Ҳаким ат-Термизийнинг "Солнома" ва "Наврўзнома" тақвимлари энг ишончли манбалар сифатида эъзозланади.

Ҳаким ат-Термизий "Наврўзнома" асарида *"Агар Наврўзи олам шанба куни доҳил бўлса, Зуҳал(Сатурн)га тааллуқлидир. Шу йил баъзи ўлкаларда қийинчиликлар барҳам топади, хунрезликлар, урушлар кўп бўлади, охир-оқибат уларга чек қўйилади. Ёмғир кўп ёғади. Жануб сорида фитна ва ёлғонлар фош бўлади. Тинчлик, осойишталик барқарорлашади. Мевалар кам бўлади, лекин кузги экинлар яхши бўлади. Тўкинчилик, мўл-кўлчилик юзага келади. Йил охирида қиш узайиб, қаттиқ келади. Валлоҳу аълам биссавоб",* дейилади. Ёҳуд у "Солнома" асарида "Наврўзнома" тақвимини давом эттириб, *"Агар Наврўз от йили кирса, подшоҳлар ўртасида жанг-жадал ва хунрези (қон тўкиш) кўп бўлғай. Ёзи ва қиши хўб мўътадил (ўртача) бўлиб, қиш охири қаттиғ бўлғай. Ғаллалар кўп бўлғай. Ва лекин чаҳорпо(ҳайвонлар)га андак ҳалокат теккай. Қиши узун бўлғай, дарё кишти (кемалар) яхши бўлғай. Ҳар фарзандки йилнинг аввалинда туғилса, заҳматлик бўлғай ва лекин дониш (билимлик) ва ҳикматлик бўлиб, подшоҳларга сўзи маъқул ва мардона бўлғай. Ва йилнинг ўртасида туғилса, хушфеъл ва хушгуфтор бўлғай. Ва йилнинг охиринда туғилса, бадхўй, ғамли ва бадгўй (қўпол сўзли) бўлғай. Валлоҳу аълам биссавоб",* деб ёзади.

Улуғ алломанинг башоратларини эътиборга олиб, бу йил Ҳамалдан от йили бошланишини ва Наврўз шанба куни киришини ҳисобга оладиган бўлсак, юртимиз ва халқимиз учун 2026 йил хайрли, баракотли, ютуқларга бой йил бўлишидан далолат бермоқда. Илоҳо, Наврўз, улуғ аллома ёзганидек, юртимизга ва барча ўлкаларга яхшиликларни, қувонч ва ютуқларни бошлаб келсин. Заминда тинчлик барқарор бўлсин.

**Наврўз янги кун, янги йил, байрам тарзида нишонланишидан ташқари, у борлиқни, табиатни, кун ва тунни мувозанатга келтирувчи айём сифатида ҳам улуғланади. Эндиликда у нафақат табиатни, кун ва тунни, балки барча халқларни, мамлакатларни, умуман, дунёни, ҳаётни мувозанатга келтирувчи, гўзалликни, ободликни, яратувчиликни ва меҳр-муҳаббатни қарор топтирувчи айёмга айланмоқда. Ушбу улуғ айём, халқимизга, юртдошларимизга муборак бўлсин!**

## Абдулла ОРИПОВ таваллудининг 85 йиллиги

Ҳақиқий ижодкор фақатгина ўз ғами билан яшай олмайди. Унинг қувончию изтироби ҳам, орзусию армони ҳам Ватан ва Миллат қисмати билан чамбарчас боғлиқ ҳолда кечади. Ватан обод, Миллатнинг шони баланд бўлса, унинг кўнгли ҳам тоғ қадар юксалади. Она замин таназзул гирдобида, халқи андуҳ комида қолса, энг аввал унинг қалбида тўфон қўзғалади. Абдулла Орипов ана шундай буюк қалб эгаси бўлган улуғ ижодкор эди.



# БУЮК ШОИРНИНГ ЧЎНГ АРМОНИ

Нурбой ЖАББОРОВ,
профессор

Ватанпарварлик шоир кўнглида ҳаётий тажриба давомида шаклланиб ўсиб борган эмас, бу туйғу унинг асл табиатида мужассам эди. У ватанпарвар бўлиб туғилган. Миллатпарварлик ҳам худди шундай – шоир учун ҳаётий аъмол эди. Япония саёҳати давомида ёзилган шеърлари таҳлили ҳам ушбу фикрни тасдиқлайди. Мана, бу тўртлик шунинг исботидир:

***Дунёда тугамас экан армонлар,***
***Ўтди қанча замон, қанча сарбонлар.***
***Ўтира берибман буюкман дея,***
***Манзилга етибди бошқа карвонлар.***

"Дунёда тугамас экан армонлар". Шоир қандай армонни назарда тутяпти? Қанча замон, қанча сарбонлар келиб-кетса ҳам тугамаган бу армоннинг боиси не?! Табиийки, ижодкор кўнглини ўртаган бу туйғу шахсий кечинма маҳсули эмас. Бу армон Ватан тақдири, Миллат қисмати билан боғлиқ.

Шоир Узоқ Шарқ сафарида экан, Япониянинг тараққиётда биздан нақадар ўзиб кетганини кўрди ва ҳайратланди. Фақат ҳайратланибгина қолмади. Буюк тарихга эга, икки жаҳоншумул Ренессансга муаллифлик қилган мутафаккир аждодларнинг бугунги ворислари замонавий тараққиёт суръатидан асрлар қадар ортда қолганидан кўнгли ўксиди. Ўзга карвонлар кўзлаган манзилига етганини кўриб, она юрт карвони депсиниб турганидан юраги ачиди. Қалбини армон ништарлари аёвсиз тилди. Буюк келажак ҳақидаги шиорлар ўртага ташланган бир замонда қолоқликнинг бу янглиғ аянчли даражасига тушганимиздан қаттиқ изтироб чекди.

Тўртликнинг: *"Ўтира берибман буюкман дея, Манзилга етибди бошқа карвонлар"* деган сатрлари ана шу изтироб ва андуҳ ифодаси ўлароқ яралган.

Ўз-ўзига маҳлиё бўлиш – иллат. Аждодларимиз беназир бўлгани рост. Тарихда ҳайратга арзирли ютуқларга эришганимиздан асло кўз юмиб бўлмайди. Лекин чинакам саодатга эришмоқ учун ўтмиш билан фахрланишнинг ўзигина кифоя қилмайди. Бунинг учун ўша аждодларга муносиб яшамоқ, уларнинг ютуқларини янгилари билан мунтазам равишда бойитиб бормоқ зарур. Афсуски, биз ҳар доим ҳам бунга муваффақ бўлган эмасмиз.

Токиода ёзилган юқоридаги тўртлик ана шу чўнг армоннинг шоир қалбида сувратланиши натижасидир. Зеро, "Карвон" сарлавҳали бу шеър ёзилган 2003 йилда бундай фикрларни айтиш чинакам жасорат бўлгани исбот талаб қилмайди. Шунинг ўзиёқ Абдулла Ориповнинг Ватан ва Миллат дарди билан яшаган, она замин қисмати учун куйинган буюк ижодкор бўлгани далилидир.



Янги китоб

# ЮКСАК ҒОЯЛАР ВА ТУҚЛАР ТАРАННУМИ




1988 йилда юртимиздаги тилга тушган газеталардан бирида "Ўрта Осиё қўшиб олинганми ёки босиб олинганми?" сарлавҳали мўъжаз мақола эълон қилинди. Бу мақола жамоатчилик онгида катта ўзгариш ясади ўша вақтда. Бундан қарийб 37 йил олдин шу мақола билан бир ёш ижодкор эл назарига тушди. Ўшандан бери у мамлакат ва халқимиз тарихида мустақилликдан кейинги ўзбек давлатчилигини қайта тиклаш, унинг миллий ғоя ва мафкурасини яратиш, ўзбек халқи тарихини, унинг яратувчилик фаолиятини ёритиб бериш ишининг мафкура жабҳаси марказидан ўрин олиб, ижод қилиб келмоқда.

**Жўлибой ЭЛТАЗАРОВ,**
**филология фанлари доктори, профессор**

Бугун қўлимиздаги мана шу ажойиб асар – "Юксалиш симфонияси" китоби муаллифи ҳам халқимизнинг севимли ижодкори, ҳар доим юрт ташвиши билан яшайдиган адиб Абдусаид Кўчимов эканлиги асло тасодиф эмас. Китобга "Сўзбоши" ёзган сиёсатшунос Қудратилла Рафиқов таъкидлаганидек, асар муаллифи мамлакатимизда давлатимиз раҳбари бошчилигида амалга оширилаётган буюк ишларни, буюк эврилишларнинг фалсафаси, моҳияти ва ҳаётбахш маъносини одамларга оддий тилда шарҳлаб, тушунтирадиган ва тарихга муҳрлайдиган қалам соҳиби сифатида қаршимизга чиқади. Кейинги 10 йил ичида мамлакатимизда Президентимиз раҳбарлигида амалга оширилган тарихий ва оламшумул ўзгаришлар ҳақида самимият билан ҳикоя қилувчи муаллиф ҳар доим юрт етакчисининг хизматига камарбаста бўлган, ўз қалами ва тафаккур кучи билан юксалиш симфонияси оркестридан мустаҳкам ўрин эгаллаган ижодкордир.

Барчамизга маълум, мамлакатимизда ўн йил муқаддам янги тўлқин билан бошланган бунёдкорлик, яратувчанлик ва юксалиш жараёнлари, ҳаётбахш ислоҳотларнинг бош меъмори ва илҳомчиси Президентимиз бўлган бўлсалар, бу ислоҳотларнинг энг ёрқин рангларда намоён бўлган ҳудуди – Самарқанд вилоятидир. Шу сабабли адиб ўз китобини "Ер юзининг сайқали" ёки "Мақолага сиғмаган Самарқанд" сарлавҳали битик билан бошлайди. Унда баён этилганлар ҳақиқатан ҳам бир мақолага сиғмайди, уни ўқиган кишининг кўз ўнгида 10 йилда қадимий ва навқирон Самарқанддаги ислоҳотлар, амалга оширилган бунёдкорлик ишлари кино лентасидай ўтади. Ургутни Самарқанд ва Буюк Ипак йўлининг шоҳ томири – темир йўл тармоғи билан боғлаган ва қисқа вақт ичида қурилган Самарқанд — Ургут темир йўли атиги 7-8 йил олдин барпо этилган Ургут эркин иқтисодий зонасида ишлаб чиқарилаётган 220 турдан зиёд юқори сифатли маҳсулотни юртимиз ва жаҳон бозорига чиқишини таъминлади. Бундан илгарироқ эса Самарқанд ёнбағрида Мирзо Улуғбекнинг "Зижи Кўрагоний" китобига мос қилиб қурилган Самарқанд Халқаро аэропорти мангу шаҳарнинг дунёга очилган самовий дарвозаси бўлган эди ва қисқа муддатда давлат раҳбарининг бевосита кўрсатмаси билан барпо этилган қўналға Осиё қитъасининг энг тез ривожланган аэропорти мақомини олди.

Исми жисмига монанд «Боқий шаҳар» номи берилган Самарқанд Туризм маркази, Фарҳод қўрғонининг қаршисида Зарафшоннинг ўнг қирғоғида барпо этилган ширингина Ширин массиви, осмонўпар бинолари билан машҳур Қорасув массиви кейинги 6-7 йил ичида Самарқанднинг кўрки бўлиб, 3 минг ёшли шаҳарни яшартирди, дунёнинг энг жозибали ва обод туризм шаҳрига айлантирди. Хуллас, мақолани ўқир экансиз, адибнинг диққат эътиборидан Самарқандда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бирор қирраси четда қолмагани, қадим масканда амалга оширилган барча ҳаётбахш ўзгаришларни адиб ажиб бир меҳр билан тасвирлаганининг гувоҳи бўласиз.

Мақола пировардида шоир томонидан битилган мисралар ҳам ушбу меҳр ва бир ижодкор фарзанд шукронасининг рамзидир:

*Қадимдан Ер юзининг*
*сайқалидир Самарқанд,*
*Улуғ Туркнинг муҳташам*
*ҳайкалидир Самарқанд,*
*Бобил, Афина, Румога*
*тенг дейдилар,*
*Бу шоҳона кентларнинг*
*сарваридир Самарқанд...*

Адиб мамлакатимиздаги ислоҳотлар йилномаси бўлган, Ватанимизнинг юксалиш йилларини қалб қўри билан тарихга муҳрлаган ушбу китобида она юртимизнинг ҳар бир вилоятида амалга оширилган ва оширилаётган бунёдкорлик ишларини қамраб олишга интилади. Зеро, давлат раҳбарининг ташаббуси билан ҳаётбахш ислоҳотлар Ўзбекистоннинг ҳар бир минтақаси, вилояти, шаҳри, тумани, қишлоғида ҳар кун, ҳар соат, ҳар он инсонларнинг кўз ўнгида, халқимизнинг бевосита иштироки ва шижоати билан юз бермоқда.

"Юксалиш симфонияси"нинг Бухоро вилоятига бағишланган бобини ўқисангиз – давлат раҳбарининг кейинги йилларда воҳага қилган саккиз ташрифи, ташрифлардаги ташаббуслари сабаб Бухорони замонавий ва гўзал тарзда жаҳон туризм марказларидан бирига айлантириш, бунинг учун аждодларимиздан қолган юзларча осори-атиқаларни бекаму кўст реставрация қилиш бўйича амалга оширилган ишларнинг кўламидан ҳайратга тушасиз. Адиб Бухоронинг юксак интеллектуал салоҳиятидан, бу ердаги халқнинг азалий тадбиркорлиги ва яратувчилик характеридан келиб чиқиб, 2017-2024 йилларда жами 9 минг 472 та хорижий ва инвестиция лойиҳалари амалга оширилганини ва вилоятда иқтисодий ислоҳотлар юксак маромда давом этаётганини ёзади.

Адиб мамлакатимизнинг жанубий сарҳадларида – Сурхондарёда Президент ташаббуси билан амалга оширилган улкан иқтисодий, маданий ва маънавий ўзгаришларни, "Термиз халқаро савдо маркази"ни, воҳада ишга туширилган Ховдог, Какайди, Лалмикор каби нефть-газ конларини, "Замин Ангор Кластер" каби масъулияти чекланган жамоаларнинг фаолиятини ёритиш билан тасвирлаб беради. Бир вақтлар мамлакатнинг чет ҳудуди ҳисобланган Сурхондарё бугун мамлакатимизнинг Жануби-Шарқий Осиёга очилган дарвозаси, мустаҳкам иқтисодий базага эга бўлган обод вилоятига айланди.

Ҳамид Олимжон каби дилбар шоирни, Шароф Рашидов каби атоқли давлат арбобини опичлаб катта қилган Жиззах вилоятида амалга оширилган яратувчиликлар ҳақида ҳикоя қилар экан, адиб бундан 110 йил олдин юз берган Жиззах қўзғолонида шаҳид бўлган боболаримизни ҳам хотирлайди. Жиззахнинг шижоатли инсонлари юртбошимиз ташаббуси билан Менделев жадвалидан жой олган барча маъданларга эга янги-янги конлар очиб, инновацион технологияларни қўллаб "Басалт – Ўзбекистон" корхонасини барпо этганини, Учқулоч рух-қўрғошин конини қайта ишга туширганини, вилоятда Андижон ва Тошкентдан сўнг учинчи автомобиль ишлаб чиқариш комплекси барпо этилганини ўзига хос тарзда очиб беради.

Қорақалпоғистон Республикаси – ўзбеклар билан ўз тақдирини абадий боғлаган, қуриб бораётган Орол бўйидаги экологик фалокат зонасида яшаётган қардош, туғишган элнинг турмуши, уларнинг муаммолари, эҳтиёжлари ҳар доим ҳукумат диққат марказида. Абдусаид Кўчимов буни "Оппоқ кўкси эзгуликка тўлган эл" мақоласида давлат раҳбарининг ушбу сўзларини иқтибос сифатида келтириб, ёркин ифодалайди: *"Мен Сизлар билан учрашишга Сизларнинг қизғин қарсакларингизни соғиниб эмас, Сизларнинг кўзларингиздаги қувончни кўришга келдим. Сабаби, тарихдан яхши маълум, қорақалпоқ халқи ўтмишда ҳамма вақт қайғу-алам, оғир дард-алам билан кун кечирган"* .

Қорақалпоқ қардошларимизнинг кўзларида шодлик учқунлари порлаши учун Президентимиз ўзининг бор куч-ғайратини, жамият ва давлатнинг барча имкониятларини сафарбар қилмоқда. Бу сафарбарлик Қорақалпоқ диёрини ривожлантириш, бу ерда саноат, қишлоқ хўжалиги, ишлаб чиқаришни юксалтириш, маданият, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимини тубдан яхшилаш, Оролбўйи экологик ҳалокати оқибатларини юмшатиш бўйича Президентимиз имзолаган 14 та фармон ва қарорларда ўз аксини топган. Адиб қорақалпоқ диёрининг юксалиши ўн йиллар давомида тўпланиб қолган муаммоларни ҳал қилиш баробарида ҳудудда янги саноат тармоқларини, замонавий ишлаб чиқаришни барпо этиш орқали юз бераётганини таъкидлайди. Бугун тоза ичимлик суви билан таъминланиш 89,7 фоизга етган, 20,3 минг квартирали 709 та кўпқаватли тураржой бинолари қуриб топширилган, 13 триллион 300 миллиард сўмлик инвестиция ўзлаштирилган, қуриган Орол тубидаги 2 миллион гектар ер дарахтзорларга айлантирилган ва мингларча бунёдкорлик лойиҳалари амалга оширилаётган Қорақалпоғистонда одамларнинг кўзида шодлик учқунлари улкан ислоҳотларнинг илҳомчиси бўлган давлат раҳбарига миннатдорлик туйғулари билан уйғунлашиб кетмоқда. Янги "Қорақалпоқ достони" каби ўқилади бу сатрлар.

"Юксалиш симфонияси" китобининг Тошкент шаҳридаги юксалишлар жараёнларидан ҳикоя қилувчи "Президент кўчат экмоқда", Хоразмдаги ислоҳотлар натижаларидан ҳикоя қилувчи "Қуёш юрти Хоразм" бобларида, Фарғона водийси вилоятларига бағишланган мақолаларда, Қашқадарё, Навоий, Сирдарё вилоятларидаги бунёдкорлик ишларининг таърифига бағишланган қисмларида ҳам бирдай – халқни улуғ режаларга, яратувчиликка илҳомлантирадиган, инсон қадр-қимматини ҳар нарсадан устун қўйган, ўзининг раҳбар, фуқаро ва инсон сифатидаги бутун фаолиятини Ўзбекистон деб аталмиш Ватаннинг тараққиёти, ўз жонажон халқининг фаровонлигига бағишлаган инсоннинг сиёсий портретини яратади.

Худди мана шу ғоялар учун ҳам ушбу китобни Ватаннинг ҳар бир фуқароси ўқиши керак. Чунки бу асар XXI асрнинг 20 йилларида Ўзбекистондаги буюк ўзгаришларнинг, юксалишларнинг маҳорат билан, бадиий сўз воситасида англатилган жонли тарихидир.



Reklama huquqi asosida

## АҲИЛЛИК ТИМСОЛИГА АЙЛАНДИ

**Тўрақўрғон туманидаги 1-сонли техникум ўзгача файз ва тароватга бурканди. "Адолат" СДП туман кенгаши ҳамда таълим маскани маъмурияти ташаббуси билан ўтказилган Наврўз умумхалқ байрам шодиёнаси юксак кўтаринкилик билан нишонланди.**

Партиянинг вилоят кенгаши матбуот котиби Муҳиддин Имомадиев, туман кенгаши раиси Заҳрохон Аҳмедова ҳамда техникум директори Гулнора Содиқова йиғилганларни айём билан қутладилар. Шунингдек, Наврўзнинг халқимиз маънавиятидаги ўрни, юртимиздаги тинчлик ва осойишталик ҳамда ёшлар камолоти йўлидаги ислоҳотларнинг аҳамиятини алоҳида эътироф этишди.

Байрам дастури ўзининг ранг-баранглиги ва мазмундорлиги билан барчада бой таассурот қолдирди. Тадбир давомида миллий куй-қўшиқлар ва иқтидорли ёшлар ижросидаги саҳнавий чиқишлар даврага ўзгача шукуҳ бағишлади. Техникум ҳудудида ташкил этилган қушлар парваришига оид намойишлар, рассомлик ва амалий санъат дурдоналари кўргазмаси иштирокчиларни халқ ижодиётининг сеҳрли оламига олиб кирди. Миллий спорт ўйинлари ва баҳор таомларининг намойиши эса Наврўзнинг асл қадриятларини, унинг миллий руҳи ва тарихий илдизларини янада ёрқинроқ намоён этди.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда мазкур техникум нафақат маданий тадбирлар, балки таълим сифати борасида ҳам салмоқли натижаларга эришмоқда. Ҳозирда даргоҳдаги 33 та гуруҳда 876 нафар ўқувчи 13 та йўналиш бўйича касб сирларини ўрганмоқда. Айниқса, назария ва амалиётни уйғунлаштирган дуал таълим тизими самарали йўлга қўйилган бўлиб, унинг қамрови 42 фоизни ташкил этмоқда. Бу, ўз навбатида, ёшларнинг меҳнат бозорида ўз ўрнини топишида муҳим омил бўлмоқда. Ҳа, Наврўз қалблар янгиланиши, меҳр-оқибат ва аҳиллик тимсолидир. Техникумда ўтган бу галги шодиёна ҳам ана шу эзгу ғояларни дилларга муҳрлаб, барчага бирдек қувонч улашди.

**Наманган вилояти кенгаши матбуот хизмати**

ADOLAT
Муассис: "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши
QR коди орқали газетанинг электрон вариантини юклаб олинг!
Бош муҳаррир: Ислом ҲАМРОЕВ
Таҳрир ҳайъати:
Робахон МАХМУДОВА
Баҳром АБДУҲАЛИМОВ
Наримон УМАРОВ
Муҳаммад АЛИ
Гавҳар АЛИМОВА
Мухаррам ДАДАХОДЖАЕВА
Қодир ЖЎРАЕВ
Озода ПАРПИБОЕВА
Тошпўлат МАТИБАЕВ
Таълат МУРОДОВ
Абдукамол РАҲМОНОВ
Собир ТУРСУНОВ
Котибият – 71 288-42-14 (144); 95 076-07-75
Қабулхона – 71 288-42-12 (141)
НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100
Газета 1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган
ISSN 2091-5217
Навбатчи муҳаррир – Абдуқаюм Йўлдошев
Масъул котиб – Абдуғани Содиқов
Таҳририят манзили: 100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани "Шарқ тонги" кўчаси, 23-уй.
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми – 3 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г – 301
Адади – 3 006
Босишга топшириш вақти – 21.00
Босишга топширилди – 21.10
Баҳоси келишилган нархда
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
"Шарқ" НМАК босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.